


IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2018 йил январь-сентябрда вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 5556,5 млрд. сўм миқдорда инвестициялар ўзлаштирилиб, шундан хорижий инвестициялар 242,6 млрд. сўмни ташкил этди. Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида 1932,9 минг сўмни ташкил этди.

2018 йил январь-сентябр ойларида ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори



Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ҳажмининг юқори кўрсаткичлари Олмалиқ шаҳар 1771,2 минг сўм, Чирчиқ шаҳар 1042,7 минг сўм, Ангрен шаҳар 695,3 минг сўм ва Зангиота туманида 627,1 минг сўмни ташкил этди.


**Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган
инвестицияларнинг тақсимланиши**

	<i>млрд.сўм</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>	<i>яқунга нисбатан фоиз</i>
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	5556,5	148,7	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Марказлашган инвестициялар:	1467,5	158,1	26,4
бюджет маблағлари	150,0	77,4	2,6
давлат мақсадли фонд маблағлари	245,4	248,3	4,5
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	796,3	259,0	14,3
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	275,8	84,1	5,0
Марказлашмаган инвестициялар	4088,4	145,7	73,6
корхоналарнинг ўз маблағлари	1745,5	129,7	31,5
аҳоли маблағлари	645,3	120,4	11,6
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	286,9	115,1	5,2
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	1410,7	211,7	25,3

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларига кўра, энг юқори кўрсаткич 2018 йил январь-сентябрь ойларида корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига 1745,5 млрд.сўмлик яқунга нисбатан 31,5 % ни ташкил қилди.

2018 йил январь-сентябрь ойлари учун асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари

Марказлашган инвестициялар



Марказлашмаган инвестициялар



2018 йил январь-сентябрда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби

	жами	Давлат	Нодавлат
Жами, млрд. сўм	5556,5	559,1	4997,4
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида</i>			
қурилиш-монтаж ишлари	42,9	17,7	82,3
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	52,8	1,7	98,3
Бошқа харажатлар	4,3	36,4	63,6

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг 2018 йил январь-сентябрь ойларида машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозларга йўналтирилган улуши 52,8 %ни ташкил қилиб, умумий ҳажмга нисбатан юқори улушга эга бўлди.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар

(млрд.сўм)

	Январь–сентябрь			
	2017 й.	Умумий ҳажмга нисбатан фоизда	2018 й.	Умумий ҳажмга нисбатан фоизда
Жами	2670,2	100	5556,5	100
<i>шу жумладан: иқтисодий фаолият турлари бўйича</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	181,2	6,8	418,0	7,5
тоғ-кон саноати	360,7	13,5	1012,0	18,2
ишлаб чиқариш саноати	808,5	30,3	1677,3	30,2

	<i>Январь–сентябрь</i>			
	<i>2017 й.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан фоизда</i>	<i>2018 й.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан фоизда</i>
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	37,5	1,4	174,3	3,1
сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	13,5	0,5	35,5	0,6
қурилиш	94,8	3,5	109,5	2,0
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	105,5	4,0	127,6	2,3
ташиш ва сақлаш	195,4	7,3	129,0	2,3
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	16,1	0,6	82,0	1,5
ахборот ва алоқа	48,0	1,8	50,1	0,9
молиявий ва суғурта фаолияти	12,3	0,5	27,3	0,5
профессионал, илмий ва техник фаолият	44,2	1,7	77,1	1,4
таълим	44,6	1,7	106,4	1,9
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	23,8	0,9	139,7	2,5
Бошқа иқтисодий фаолият турларидан ташқари: турар – жой бинолари қурилишига инвестициялар	572,5	21,4	1 108,3	19,9
санъат, кўнғил очиш ва дам олиш	23,6	0,9	33,6	0,6
бошқа фаолият турлари	88,0	3,2	248,8	4,6

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқариш саноатида 1 677,3 млрд.сўм шундан тўқимачилик маҳсулотлари 365,2 млрд.сўм (6,6%), резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқаришда ўзлаштирилган инвестициялар 265,6 млрд.сўм (4,8%), озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари 172,8 млрд.сўм (3,1%), бошқа нометал минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариши 161,0 млрд.сўм (2,9%), турар-жой бинолари қурилишига 1108,3 млрд.сўм (жами инвестициялар ҳажмида 19,9 %), тоғ-кон саноатида 1012,0 млрд.сўм (18,2%), шундан металл рудаларини қазиб олишда 973,0 млрд.сўм (17,5%), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 418,0 млрд.сўм (7,5%), ташиш ва

сақлаш 129,0 млрд.сўм (2,3%), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари 127,6 млрд.сўм (2,3%), бошқа фаолият 248,8 млрд.сўмлик (4,6%), инвестициялар ўзлаштирилди.

Ижтимоий соҳа объектларини қурилиши


2018 йил январь-сентябрь ойларида умумий майдони 616,7 минг кв.м бўлган 4 652 та шундан қишлоқ жойларида 531,7 минг кв.м 3990 та уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 1 108,2 млрд. сўми ёки 19,9% турар-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. 2018 йил январь-сентябрда 1647,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 120,6 % ташкил этди.


Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 77,2% бинолар ва иншоотларни, 10,5% фуқаролик қурилиши объектларини ва 12,3% ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1 565,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 95,0 % (2017 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш суръати 120,3%) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимои (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



Қурилиш ишлар ҳажмининг ўсиш суръати
(2017 йилнинг январь–сентябрга нисбатан, фоизда)



Хусусан юқори ўсиш суръатлари Олмалиқ шаҳар 272,4 % ва Зангиота тумани 148,6 % кузатилди. Аксинча энг паст кўрсаткич Янгийўл ва Оққўргон туманларида 100,6%ни ташкил қилди.